

# Ishonch

Моҳият

Халқнинг  
теран  
маънавиятисиз,  
гурурисиз,  
юксак  
маданиятисиз  
бу юк давлат  
қуриб  
бўлмайди.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси нашри

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan



Мусаффо осмон,  
осойишта замин  
бағрида яшаётган эл,  
албатта, бахтини куй-  
қўшиқларга жо этади.  
Кўнгилда мавж урган  
саодат ҳисси оламни  
туттувчи кўшиқ бўлиб, куй бўлиб  
таралади. Бу лаҳзаларда киши дили  
беихтиёр эзгу хисларга тўлиб, парвоз  
қўламини кенгайтиргиси, юрт тараққи-  
ти учун наф келтиргиси келади.  
Шундай сеҳрга бой куй-қўшиқлар  
яратилишига замин яратиб, кенг меҳнат-  
кашлар қатлами орасидан истеъодлар-  
ни кашф этишда асос бўлаётган «Ўзбеки-  
стон, сени куйлайман» санъат фестивали-  
нинг республика босқичи Марказий  
театрнинг маданият саройида  
ташқил этилди. Юртимизнинг барча  
худудидан ташриф буюрган иштирокчи-  
лар миллий либосда халқ чолғу асбобла-  
рини тутганча шай туришибди. Улар  
нигоҳидаги иштиёқ ҳали айтилмаган куй-  
қўшиқларни юрагингизга жо айлай  
бошлайди. Маданият саройининг  
бежирим архитектураси, кенг ва шинам,  
шарқона услубдаги зал ҳам туйғуларин-  
гизга таъсир этади.

## «Ўзбекистон, сени куйлайман» Оҳанг ва ижро сеҳри



Чиройли куй-қўшиқлар билан очилган фестивал авалида Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Танзила Нарбаева сўзга чиқди:  
— Мустақиллигимизнинг 20 йиллик тўйи кенг нишонланаётган шундай шуқул кунларда ушбу фестивалнинг бўлиб ўтаётгани, албатта, барчамизни қувонтиради. «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан» шиори остида ташқил этилаётган тадбирлар қатори фестивалимиз ҳам барчага кўтаринки кайфият улашишига шубҳа йўқ.

Президентимиз байрам табригида ўтган давр мобайнида барча соҳаларда қўлга киритилган ютуқларга алоҳида эътибор қаратди. Дарҳақиқат, миллий санъатимиз, маданиятимизнинг бугунги муваффақияти нафақат халқимиз томонидан, балки халқаро миқёсда кенг эътироф этилаётган. Биргина «Шарқ тараоналари» халқаро фестивалини олайлик. Дунё миллий куй-қўшиқларининг юртимизда янграши ҳам халқимизнинг санъатсеварлик фазилатидан далолат.  
(Давоми 4-бетда)



Буюк ва муқаддасан,  
мустақил Ватан!

6 сентябр



Мамлакатимиз автомобилсозлари Ватанимиз давлат мустақиллигининг 20 йиллигига муносиб совға ҳозирладилар. Тошкентдаги Турин политехника университетида «GM Uzbekistan» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган, янгиланган «Chevrolet Captiva» автомобилнинг тақдироти бўлиб ўтди.

### Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгашида



## Самарали мулоқот

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгашида Федерация кенгаши раҳбарияти ва «Бизнес ва инсон ҳуқуқлари: ҳимоя ва ижтимоий жавобгарлик» мавзусидаги халқаро конференциянинг хоржий иштирокчилари учрашуви бўлиб ўтди.

Унда ЕХТнинг демократик институтлари ва инсон ҳуқуқлари бўйича Бюросининг инсон ҳуқуқлари бўйича бўлими бошлиғи Снежана Бокулич, Инсон ҳуқуқлари бўйича Дания институтини маслаҳатчиси Клэр О'Брайн, ЕХТнинг Лойиҳалар мувофиқлаштирувчисининг лойиҳалар бўйича маслаҳатчиси Илдар Файзуллин, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази директори ўринбосари Аҳмад Исмоилов ва Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши масъул ходимлари иштирок этдилар.  
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Танзила Нарбаева меҳмонларни Мустақиллик йилларида Давлатимиз раҳбари бошчилигида мамлакатимизда инсон манфаатлари йўлида олиб борилаётган ислохотлар, бу борада эришилаётган ютуқ ва муваффақиятлар, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан таништирди.  
— Мамлакатимизда истиқлол йилларида инсон ва унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини энг олий қадрият ҳисобланган демократик ҳуқуқий давлат қуриш борасида эътиборга молик кенг қамровли ишлар амалга оширилди, — деди Т.Нарбаева. — Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари тамойилининг босқичма-босқич амалга оширилиши натижасида фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини таъминлаш учун етарли шарт-шароит яратилди.  
Шунингдек, Федерация кенгаши раиси меҳмонларга Ўзбекистон касба уюшмалари фаолияти ҳақида батафсил сўзлаб берди. У бугунги кунда 11 та тармок, 14 та

худудий, 36 мингга яқин бошланғич ташкилотларни бирлаштирган Ўзбекистон касба уюшмаларининг мамлакатимизда инсон манфаати йўлида олиб борилаётган ишларни қўллаб-қувватлаган ҳолда ўз фаолиятини меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳимояси, меҳнат муҳофазаси, бандлик масалаларида ҳамкорлик, маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш каби йўналишларда амалга ошираётганлиги тўғрисида алоҳида тўхталди.  
— Институтимиз инсон ҳуқуқлари бўйича Дания институтини маслаҳатчиси Клэр О'Брайн мазкур институт фаолияти билан таништирар экан, унинг охириги 10 йил давомида «Бизнес ва инсон ҳуқуқлари» йўналишида иш олиб бораётганини таъкидлаб ўтди.  
— Институтимиз инсон ҳуқуқлари бўйича ўқув курсларини ҳам ташқил этиб келмоқда, — деди Клэр О'Брайн. — Уларда иқтисодий ҳуқуқларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ҳимояси йўналишларида амалга оширилаётган ишлар бизда жуда катта таассурот қолдирди. Айниқса, бизнес соҳаси вакилларининг ҳимоясига эътибор қўйиштирилаётгани айни мўъжаз.  
Учрашув сўнггида Федерация кенгаши раиси мазкур мулоқотнинг Ўзбекистон касба уюшмалари фаолиятида ўзига хос ўринга эга бўлгани, келгусида Инсон ҳуқуқлари бўйича Дания институтининг тажрибасини ўрганиши, уларнинг бошқа институтлар билан ҳамкорлик тажрибаси билан танишиш ҳодимлар, хусусан, бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг ижтимоий-иқтисодий ҳимояси йўналишида янги қирраларни очишини билдирди.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши матбуот хизмати

### Ўзбекистон Қаҳрамонлари




Энг азиз ва энг улуғ байрамимиз — Мустақилликнинг 20 йиллик тўйи арафасида Президентимиз Фармонига асосан «GM Uzbekistan» акциядорлик жамияти ишлаб чиқариш технологияси бўлими бош технологи Хасанбой Қосимов «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони ва олий нишон — «Олтин юлдуз» медали билан тақдирланди.

## Ўз касбининг фидойиси


Асака — Андижоннинг энг кўрак шаҳарларидан бири. Мустақиллик йилларида у янада чирой очиб, худудда ишлаб чиқариш корхоналари кўпайди. Эътиборлиси, шаҳарда Ўзбекистоннинг ифтихорига айланган, дунёдаги автомобил ишлаб чиқарувчи 28 та заводдан бири жойлашган. Ҳукуматимизнинг маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ завод учун керакли ахтиёт қисмлари ишлаб чиқарувчи ўнлаб корхоналар барпо этилган. Асакаликлар ўзларининг ҳаётига катта ўзгариш олиб кирган ушбу завод билан ҳақли равишда фахрландилар.  
Корхонада туну кун иш тўхтамайди. Бир-бирдан чиройли турли русумдаги замонавий автомобилларнинг конвейрдан қатор бўлиб чиқиб келаётганини кўриб, қувончдан энтикасиб. Олти ярим минг нафардан зиёд ишчи-ҳодим, инженер-технологлар меҳнат қилаётган жамоанинг кейинги йилларда эришган ютуқлари салмоқли.  
Ўзбек автомобил индустриясининг ташқи бозорда мавқени тиклашида корхонада амалга оширилган модернизация ва технологик янгиланишлар жараёни муҳим омил бўлмоқда. Бугун МДХ мамлакатларида ўзбек автомобилларини сотиш билан шуғулланувчи 250 дан орტიқ диллерлик тармоғи ишлаб турибди. Ўтган йилнинг ўзида Россияга 74 мингдан зиёд «Нексия» ва «Матиз» русумли автомобиллар экспорт қилинди.  
Асака автомобилсозлари ишлаб чиқараётган машиналар нуфузли танловларда турли совринларни қўлга киритаётди. Ўтган йил ишлаб чиқаришга қўйилган «Шевроле Спарк» автомобиллари Россияда «Йил автомобили» танловида «Шаҳар автомобили» номинациясида голиб деб топилди. Россия иқтисодий вазирлигининг маълумотига кўра, бу мамлакатга автомобил сотувчи мамлакатлар ўртасида Ўзбекистон Япония ва Германиядан сўнг учинчи ўринни эгаллаган.  
Эришилган ютуқларда корхона

ишчи-хизматчилари, муҳандис-технологларининг муносиб улуши бор. Ўзбекистон Қаҳрамони Хасанбой Қосимов биз билан суҳбатда бу ҳақда фахрланиб гапирди.  
— «Қаҳрамон»лик унвонига муносиб топилганимдан бошим кўкка етди, — дейди Хасанбой ака. — Бу нафақат менга, Замонавий автомобиллар ишлаб чиқаришда муносиб улуш қўшаётган жамоадошларимга ва барча автомобилсозларга берилган муқофот. Меҳнат қадрланаётган юрда яшаётганимдан фахрланаман. Унвон менга катта куч, ютуқлар учун янада кенг имконият беради.  
Хасанбой Қосимов 1958 йил 6 декабрда Асакада таваллуд топган. Тошкент Политехника институтининг механика-машинасозлик факультетини ўқиди. Ўқини битириб, механика заводида меҳнат қилди. 1993 йил август ойида танлов асосида «ЎзДЭУавто» корхонасига менежерликка ишга қабул қилинди.  
Бугун у бош технолог сифатида ишлаб чиқариш технологиясини назорат қилиш ва янги моделларни ишлаб чиқаришга жорий этишга бевосита раҳбарлик қилмоқда.  
Корхона касба уюшма кўмитаси раиси Мирфозил Олимов жамоадоши ютуғидан мамнуллигини яширмади:  
— Бу жамоамизга Юртбошимиз томонидан доимо эътибор қаратиб келинаётганлигининг яна бир исботи. Хасанбой Қосимов ушбу юксак унвонга лойиқ йигит, касбининг фидойиси. Унинг самарали меҳнати ўз баҳосини олганидан жуда хурсандимиз. Мустақилликнинг 20 йиллик тўйи биз учун қўшалок байрамга айланди. Бунинг барчаси мустақиллик шарофатидандир.  
Ха, сен мустақилликни қанчалик ҳимоя қилсанг, қозолик сени шу қадар юксакка кўтарари, деганлари шу бўлса керак.  
Абдулхай ЮНУСОВ,  
«Ishonch» муҳбири



Халқаро каноэ федерацияси (ICF) каноэда эшак эшиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, икки қарра жаҳон чемпиони Вадим Меньковани кетма-кет учинчи мартаба жаҳоннинг «Энг яхши каноэчиси», деб эълон қилди.

7 сентябр



Тошкентда бадий гимнастика бўйича Жаҳон кубоғи босқичи мусобақалари ва «Happy Sagavan» халқаро турнири якунланди.

Ўзбекистонлик Ульяна Трофимова бадий гимнастика бўйича Жаҳон кубоғи босқичи кўпкураш мусобақаларида тўртинчи, буладада машқ бажариш бўйича иккинчи ўринни қўлга киритди. Гимнастика бўйича Жаҳон кубоғи босқичи кўпкураш мусобақаларида биринчи ўрин россиялик Дарья Дмитриевага насиб этди.  
Ҳамюртимиз Анастасия Сердюкова ўсмир қизлар ўртасида «Happy Sagavan» халқаро турнирининг кумуш медали соҳибасига айланди.

8 сентябр



«Afrosiyob» тезюрар поездиде бир гуруҳ отахону онахонлар Самарқанд зиёратига бориб келдилар.

Аъло АБДУЛЛАЕВ, Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар

# Эътибор

**Мустақиллики мустаҳкамлаш, иқтисодий салоҳиятни ошириш, жамият тараққиёти йўлида кенгайтириш тасарруфидаги 340 та бошланғич ташкилотга бирлашган 142115 нафар аъзо сидқидил-дан меҳнат қилаётди. Олиб борилаётган кенг қамровли тушунтириш ишлари, учрашувлар, ўтказилган ўқув семинарлари, оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлар натижасида сафимиз тобора кенгайиб бормоқда.**

Жамоаларда ходимларни жисмоний тарбия ва спортга жалб қилишга эътибор кучайгандан кучаймоқда. «Алпомиш» ва «Барчиной» тест мусобақалари, аёллар ўртасида «Саломатлик» спартакиадалари ва турли оилавий мусобақалар шулар сирасидандир. Мустақиллиги йилларида барло этилган иншоотлар, маданият марказлари, тарихий обидалар ва диққатга сазовор жойларга уюштирилаётган саёхатлар ватанпарварлик туйғуларини жўш урдираётди. Олиқ қишлоқларда яшовчи, кам таъминланган ва кўп болали оила вакиллари ҳамда ногиронларга ғамхўрлик кўрсатишмоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг V Курултойи қарорларини бажара бориб, корхона, ташкилот ва фермер хўжалиқларидаги меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида изчил фаолият юритяпти. Тармоғимизда қасаначилик меҳнатидан фойдаланаётган корхоналар сони 50 тага етди. Қасаначилар 458 нафарни ташкил этмоқда. Уларнинг барчаси касаба уюшма аъзоллигига қабул қилинган.

Янги ўқув йили олдидан фермер хўжалиқлари томонидан кам таъминланган оилаларнинг 502 нафар фарзандига ўқув қуроллари, дарсликлар, мактаб формалари олиб берилди.

Ҳар йили меҳнат муҳофазаси ойлигида меҳнатқашларга хавфсиз шартитлар яратиш, иш жойларини аттестациядан ўтказиш, ишлаб чиқаришда жароҳатланишнинг олдини олиш, корхона ва фермер хўжалиқларида хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш юзасидан фаолларимиз иш берувчилар билан кўп қўлга бериб фаолият кўрсатмоқдалар. Белгиланган жадвалга кўра жойларда «Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида»ги ҳамда «Болалар меҳнатининг оғир шакллари тасдиқлаш ва йўқ қилишга доир шойиланч чора-тадбирлар тўғрисида»ги Конвенциялар талабларининг бажарилишини таъминлаш мақсадида ўқув семинарлар, учрашувлар, давра суббатлари ташкил этилаётди.

**Абдусалом РАҲМОНОВ,**  
Агросоаноат мажмуи ходимлари  
касаба уюшмаси Бухоро  
вилоят кенгаши раиси

**Барчамиз учун энг улуг, энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 20 йиллигини қувонч билан кутиб олдик. Олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсат ўтган даврда аҳолининг ҳаётга муносабати, фуқаролик масъулияти, дахлдорлик ҳисси ҳамда фаровонлиги юксалишида етакчи омилга айланди.**

# Мустаҳкам ва ишончли таянч

Қишлоқда мулкчилик шакли ўзгаргач, маҳсулот етиштириш миқдори ва сифат даражаси янада ошди. Янги иш ўринлари яратилди, фермер хўжалиқларида меҳнат қилаётганларнинг моддий манфаатдорлиги ортди. Айни пайтда туманимизда 380 тадан ортиқ фермер хўжалиги бўлиб, уларга аграрий ташкил этиди. Уларда 11 минг 149 нафар киши меҳнат қилаётди. Муқобил машина-трактор парклари, сувдан фойдаланувчилар уюшмаси, чорва молларига зооветеринария хизмати кўрсатиш шохбчалари туманимиз деҳқонлари ва чорвадорларига хизмат қилмоқда.

Тизимдаги ташкилот, фермер хўжалиқларида меҳнат қилаётган касаба уюшма аъзоларининг ҳақ-ҳуқуқи ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида қатъий саяёҳаракат кўрсатилаётди. Мурожатлар асосида ташкилот раҳбарлари ва хўжалик судларига 18 та даъво

аризаси киритилиб, 11 таси ижобий ҳал этилди. Ишчи-хизматчилар фойдасига 53 млн. сўм миқдорда маблағ ундирилди.

Ердагма муҳтож, ногирон, ёлғиз қариёлар, боқувчисини йўқотган оила фарзандлари аҳволидан хабардор бўлиб, яшаш шароитини яхшилашга касаба уюшма фаоллари кўмак берапти. Ўтган йилларда ижтимоий ҳимояга муҳтож 26 та оила туман кенгаши, 151 та оила бошланғич ташкилотлар оталигиди бўлди, уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилди.

Электр энергияси, газ харажатлари, хонадонларни таъмирлашда беминнат ёрдам берилиб, ушбу мақсадлар учун 13 млн. 400 минг сўмга яқин маблағ сарфланди.

Кейинги йилларда касаба уюшма тузилмасини давр талабига мувофиқлаштириш борасида қатор ишлар олиб борилди. Фермер хўжалиқларида жойларда хизмат қилувчи касаба уюшманинг қишлоқ фуқаролар йиғинлари ва ММТП

бўйича ҳудудий вакиллари фаолиятини йўлга қўйилди. Агросоаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши ўтган йилларда маданий-маърифий ва оммавий спорт ишлари алоҳида эътибор бериб, иш берувчилар, маданий, спорт муассасалари билан ҳамкорликда туман ва вилоят миқёсидаги тадбирларда жамоалар иштирокини таъминлади.

Турли хил мусобақа ва тадбирлар ўтказилди. Туманимиздаги қоллежлар ўртасида «Чемпионлар ораимизда» спорт мусобақаси, Олимпиада, Файзобод, Ғайрат қишлоқ фуқаролар йиғинларида Аҳмад Тожиёв, Бозорбой Отақул, Шокирбой Ҳамдамов хотираларига бағишланган футбол мусобақалари уюштирилмоқда. Минг нафарга яқин касаба уюшма аъзоси турли сяхатгоҳ ва дам олиш масканларига имтиёзли равишда соғломлаштирилди. Кам таъминланган оила вакилларида 102 нафарга эса йўлланмалар бепул берилди. Бун-

га ижтимоий сугурта маблағлари ҳисобидан 212 млн. 280 минг сўм сарфланди.

Бундан ташқари, касаба уюшма фаоллари ташаббуси билан иш берувчилар ҳисобидан ишчи-хизматчиларни вилоятимиздаги зиёратгоҳлар ва дам олиш масканларида қисқа муддатли ва ташкилий дам олдириш оммавий тус олмақда. Шунингдек, «Нуроний», «Қамолот», «Маҳалла» жамғармалари, хотин-қизлар қўмитаси ва туман ҳокимлиги раҳбарлигида ишчи-ҳодимларнинг Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент каби шаҳарларга саёхати уюштирилмоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси V Курултойи делегатларининг «Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига 20 тўлдан кўчат» мурожаати ҳар бир олтириқлик қалбида иштиёқ уйғотди. Туманимизда қишининг чилласида ҳам ишқондан янги узум узаётган хонадонлар кўп. Мурожатга жавобан 1,5 миллиондан кўчат экилди. Дашт ва адир ерларга сув чиқарилиб, интенсив усулда боғ яратилди. Кўчатлар Сербия, Хитой, Туркия давлатларидан келтирилди.

Биз, олтириқликлар ҳар қарич ердан унумли фойдаланишни яхши биламиз. Ҳозир юзлаб оилалар иссиқхоналар қуриб фойда кўрмоқда.

Агросоаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши ва унинг жойлардаги фаоллари меҳнатқашларга қўлай меҳнат шариити яратиш, саломадлигини тиклаш, болаларнинг дам олишини таъминлаш ва юртимизни янада гуллаб-яшнатишда доимо камарбаста.

**О. ИБРАГИМОВ,**  
Агросоаноат мажмуи  
ҳодимлари  
касаба уюшмаси Олтириқ  
туман кенгаши раиси

**Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Шайхонтохур туман кенгаши тизимида 498 та бошланғич ташкилот бўлиб, уларда 6242 нафар аъзо бор. Туман кенгаши ишчи-хизматчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида барча имкониятларни ишга соляпти.**

## Ободлик кўнгилдан бошланади

Ижтимоий ҳимоя таомилдан келиб чиқиб, кам таъминланган оилаларга 773 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 100 нафар аъзонинг Самарқанд ҳамда Бухоро шаҳарларига саёхати уюштирилди. 240 нафар ходимлар эса «Мевазор» ҳамда «Қумушқон» дам олиш масканларида 2 кунлик дам олишда бўлдилар.

Жорий йилнинг олти ойи мобайнида ишчи-ҳодимлар ҳамда уларнинг фарзандларига театр ва цирк томошаларига 2 миллион 180 минг сўмлик бепул чипта тарқатилди.

Ўз мухбиримиз


## Кўшма конференция

Андижон вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг мажлислар залида Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши ҳамда Ўзбекистон Маданият ходимлари касаба уюшмаси вилоят вакилликнинг кўшма конференцияси бўлиб ўтди.

Унда ЎзКУФКнинг 2011 йил 28 февралдаги қарорига мувофиқ касаба уюшма ташкилотларини оптималлаштириш масаласи кўрилди. Конференцияда Эркинжон Каримов оқиқ овоз бериш йўли билан Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Андижон вилоят кенгаши раиси этиб сайланди.

**А. ЮСУФОВ**

## «Биз — бунёдкор халқимиз» фототанловига



Суратда: «Намангандон маҳсулотлари» ОАЖга қарашли 3-Нуробод «Иссиққон» цехи ишчиси Одилбек Маҳмудов

Нон ўзбек халқи учун тенгсиз нёзмат. Ҳатто, уовоги ҳам эъзозланиб, кўзларга суртиладиган бу нёзматни яратиш учун бободоҳдон неча-неча тунларни бедор ўтказиши, тегиримонда алп йигитлар тўртўткиши, новвойнинг эса меҳр кўри тандирда тоб бериши керак.

«Намангандон маҳсулотлари»

ОАЖга қарашли 3-Нуробод «Иссиққон» цехида азиз нёзматнинг бир неча тури аҳолига пешма-пеш етказиб берилмоқда.

— 2009-2010 йиллар мобайнида корхона қайта таъмирланиб, модернизация қилинди ва 15 нафар ходим иш билан таъминланди, — дейди цех ишчиси Одил-

бек Маҳмудов. — Ҳамкасбларимнинг ақсарияти коллежни тамомлаган ёшлардан иборат. Эл дастурхонига буханка, батон, бешолти турдаги булочка каби сифатли нон маҳсулотлари етказиб бераётмиз.

**Абдуносир ҚўЧҚОРОВ**  
олган сурат

**Бозор иқтисодиёти шароитида янги иш ўринларини яратиш масаласи нийоятда муҳим аҳамият касб этади. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимизда жорий йилнинг 1 июл ҳолатига 308 минг 100 та янги иш ўринлари ташкил этилганлиги касаба уюшма ташкилотлари томонидан аниқланди. Ўз ўзидан савол ҳам туғилади: айнан шу жойларда меҳнат қилаётган фуқароларнинг ҳуқуқлари, улар учун белгиланган қўшимча кафолатлар, меҳнат ва дам олиш шароитлари қонун ҳужжатларида белгиланганидек ташкил этилганми?**

## Янги иш ўринларида

меҳнат муҳофазаси ҳам рисоладагидек бўлсин

Маълумки, мазкур вазифанинг тўлақонли бажарилиши учун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ҳамда Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофазаси қилиш вазирлиги ўртасида топшириқ хати имзоланган. Ушбу ҳужжатга асосан Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофазаси қилиш вазирлиги, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофазаси қилиш бош бошқармалари ҳамда ҳудудий касаба уюшма ташкилотлари томонидан юқоридаги ўта долзарб вазифа қатъий назоратга олинган. Янги ташкил этилган иш ўрнидан 75 минг 411 таси меҳнатни муҳофазаси қилиш хизмати ҳамда касаба уюшма ташкилотлари мутахассислари томонидан ўрганиб чиқилди.

Маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, Андижон, Жиззах вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридаги 14 минг 682 та иш ўринлари санитария қоидалари ҳамда меъёрлари талабига жавоб бермайди. Наманган, Самарқанд, Сирдарё ҳамда пойтахт вилоятларидаги 35.754 та янги иш ўринлари асбоб-ускуна ва дастгоҳлар билан жиҳозланмаган. Андижон, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент вилояти ҳамда пойтахтимидаги 35 минг 559 та янги иш ўрнида ишлаётганлар махсус кийим-бош, пойабзал ҳамда шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланмаган.

Шу билан бирга, янги ташкил этилган иш ўринларидаги меҳнатқашларга яратилган шароитни ўрганиш натижасида Андижон вилоятида 2355, Самарқанд вилоятида 1098, Сирдарё вилоятида 441, Қорақалпоғистон Республикасида 282 ҳамда Жиззах вилоятида 213 та меҳнат муҳофазаси юзасидан камчиликлар аниқланди. Уларни бартараф этиш юзасидан иш берувчиларга 319 та тақдимнома киритилди ва уларнинг ижроси қатъий назоратга олинди.

Янги ташкил этилган иш ўринларида меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларнинг меҳнатга оид ҳуқуқлари ҳам қатъий назоратда. Уларнинг бузилиши ҳолатлари юзасидан иш берувчиларга 202 та тақдимнома киритилиб, 80 фоизи ўзининг ижобий ечимини топди.

Ўқоридаги кўшма тадбирлар режасининг ижроси юзасидан Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофазаси қилиш вазирлигининг маълумотига кўра, жорий йилнинг 6 ойи давомида 357 та ҳужалик юретиш субъектида, 1022 та бюджет ташкилотиди мазкур масала юзасидан текширув ўтказилган. Янги ишга кирган фуқароларга эса меҳнат муносабатлари борасидаги ҳақ-ҳуқуқлари тушунтириб берилди. Кўпол равишда қонун бузилишларига йўл қўйган 4347 нафар шахсга нисбатан 593, 1 миллион сўмлик моддий жазо чораси қўлланди.

Тармоқ касаба уюшмалари Марказий кенгашилари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмалари кенгашилари раисларига ЎзКУФКнинг топшириқ хати билан ҳар бир тармоқ ва ҳудудий (минтақавий) жамоа келишувларида «Республикамизда ишлаб чиқарилаётган ёки хориждан сотиб олинаётган ишлаб чиқариш воситалари ва технологияларини синиш, фойдаланишга қабул қилиш давлат комиссиялари тарихига касаба уюшмаси Марказий кенгаши ёки ҳудудий касаба уюшма ташкилотлари бирлашмалари кенгашиларининг меҳнатни муҳофазаси қилиш хизмати ходимлари киритилишини таъминлайди» мазмунидидаги бандни киритиш таклиф этилди. Ушбу комиссиялар фаолиятида меҳнатни муҳофазаси қилиш хизмати ходимларининг иштирок этишларини йўлга қўйиш масаласи ҳам сўралди.

Ўқоридаги ўта долзарб вазифани ўрганиш жараёнида ақсарият жойларда, жумладан, Қашқадарё ҳамда Фарғона вилоятларидаги янги ташкил этилаётган корхоналарда касаба уюшма ташкилотлари тузиш ҳамда улардаги аъзоларни жамоа шартномалари билан қамраб олишга ҳам эришилмоқда.

**Урол АДИЛОВ,**  
ЎзКУФК бўлим мудири

# Ҳар лаҳзаси тотли истиқлол

**Мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш тизимида туб ислохотлар амалга оширилди. Сифат жиҳатдан янги, замон талабига жавоб берадиган шойиланч тиббий ёрдам кўрсатиш марказларини ўз ичига олган тиббий муассасалари тармоғи шаклланди. Замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, тажрибали кадрлар билан таъминланган қишлоқ врачлик пунктлари фаолият кўрсатмоқда. Вилоятлар маркази ва Тошкент шаҳрида скрининг марказлари ташкил қилинди.**

Ҳукуматимиз томонидан соғлиқни сақлаш тизими моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, тиббиёт ходимлари учун муносиб меҳнат ва турмуш шароитини яратиш, улар меҳнатини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Хусусан, 2006 йилнинг январ ойидан бошлаб тиббиёт ходимларининг ойлик тариф сеткасини тақомиллаштириш, уларга малакаси, бажарадиган ишининг мурак-

каблиги, билим ва тажрибаси ҳамда ўз касбини адо этишда, одамларни даволашда қўшаётган ҳиссасини инобатга олган ҳолда маош белгиланган рағбатлантириш тизими жорий этилди. Биргина 2010 йилда 32 турдаги янги дори препаратлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Тиббий хизмат сифатининг ошганини туйғайли аҳолининг юқумли касалликларга чалиниш даражаси анча пасайди. Мамлакат-

мизда яшовчиларнинг ўртача умри 73 ёшга, аёлларнинг ўртача умри эса 75 ёшга етди.

Меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, меҳнат шариитини яхшилашда кўмаклашиш, иш ўринлари яратилишида ҳисса қўиши, соҳа фидойиларини моддий ва маънавий рағбатлантириш, кам таъминланган, имкониёти чекланган ходимларга ёрдам қўлини чўзиш касаба уюшмалари олдидидаги муҳим вазифа ҳисобланади.

Бу борада қатор хайрли ишларни амалга оширдик. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашида «Мустақиллик — олий саодат» шiori остида ўтказилган байрамолди тад-

бирида 100 нафар соғлиқни сақлаш тизими фидойилари ва фахрийлари 5 млн. сўмлик қимматбаҳо эсдалик совға ва фахрий ёрликлар билан тақдирланди. «Ҳамшира — 2011» кўрик-танловининг вилоят босқичида фаол иштирок этиб, голиб бўлганларга қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди. Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги ҳамда қичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йўлига бағишлаб вилоят тиббиёт ходимлари ҳамда тиббиёт коллежлари ўқитувчи ва ходимлари ўртасида «Саломатлик» спартакиадалари ўтказилди. «Ўзбекистон, сени қуйлайман» санъат фестивалининг туман ва вилоят босқичлари аъло даражада ташкил этилди.

Дарвоқе, ҳар йили соҳа

ходимларининг 500 нафар фарзанди ёзги болалар оромгоҳларида дам олдирилди. Кам таъминланган оила вакилларида 172 нафар ходимга моддий ёрдам берилди. Шунингдек, кам таъминланган соҳа ходимларининг 300 нафар фарзандига спорт кийимлари харид қилиниб, тиббиёт коллежларининг 7 нафар талабаси Андижон вилояти Булоқбоши туманидаги «Шифокор» болалар оромгоҳида бепул дам олдирилди. Бу каби хайрли ишларимиз билан соҳа ходимларига кўмак бераётганимиздан бундан мамнунмиз.

**А. СУВАНОВ,**  
Самарқанд вилояти  
соғлиқни сақлаш  
ҳодимлари касаба  
уюшмаси кенгаши  
раиси

2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

Тадбиркор — элга мададкор

паркентлик фермер Дилшод Абдуллаевнинг хайрли ишлари ҳақида



Мамлакатимизда деҳқон ва фермер хўжалиқларининг самарали фаолият юритиши учун кенг имконият яратилган. Бундан унумли фойдаланаётган фермерлар катта ютуқларга эришмоқда.

Тошкент вилояти Паркент туманидаги «Раҳимжон» фермер хўжалиги фаолияти бунга яққол мисол бўла олади. Дилшод Абдуллаев 2001 йилда хўжаликни ташкил қилиб, 23 гектар ерга сабзавот ва галла эҳди. Орадан тўрт йил ўтиб, чорвачилик хўжалиги ҳам ташкил этилди.

— Мехнат билан бахтга интилишни ота-онамдан ўрганганимиз, — дейди фермер. — Отам Ибой Абдуллаев 35 йил ҳайдовчилик қилган бўлса, онам Ҳафиза Абдуллаева давлат ишида фаолият юритган. Оилада учинчи ўғилман. 25 йилдан бери деҳқончилик ортидан рўзгор тебратиб келаяпман. Дастлаб икки гектар ерга картошка эккандик. Кейин уни беш гектарга етказдик.

Тўнғич фарзандим Раҳимжон туғилган йили гектаридан 40 тоннагача ҳосил олганмиз. Яна бир воқеа. 1989 йилда хориждан картошканинг «Кардинал» деган уруғи кириб келди. Ушунда Эрман бобо деган қаттиққўл раисимиз бўларди. У киши ҳар гектар ерга 17 тонна режа берди. Шунда гектаридан 45 тоннадан ҳосил олгандик.

Ишлаган кам бўлмайдди. Дилшод Абдуллаев меҳнати эвазига яхшигина даромадга эга бўлди. Туман ҳокимлиги унинг ижобий натижаларини инобатга олиб, фаолиятини кенгайтириш учун қўшимча ер ажратди. 2002 йилда хўжалиқнинг умумий майдони 82 гектарга етди. 2003 йилга келиб яна қўшимча 50 гектар ерга эга бўлди. Айни пайтда жами ер майдони 325 гектар, 52 гектари сугориладиган, 82 гектари лалми ер ҳисобланади. Қолгани яйлов.

— Дастлаб тўрт нафар киши билан иш бошлаган

бўлсак, ҳозирда 22 нафар доимий ишимиз бор, — дейди Д.Абдуллаев. — Яйловимизда 80 бош қорамол, 450 бош қўй ва эчки боқилапти. Жорий йилда 25 гектарлик галла режасини ортиги билан бажардик. Сугориладиган ерлардан гектарига 55-60 центнердан ҳосил олинди. 15 гектар майдонга чорва моллари учун беда экканмиз. 5 гектарда эса картошка, пиёз ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилляпти. Шифохона, болалар боғчаларига шартнома асосида гўшт ва сўт етказиб бераёلمиз. Жорий йилнинг ҳозирги даврига қадар 6 тонна гўшт ва 12 тонна сўт топширдик. Фаолиятимиз юксак баҳоламизда. Президент соврини учун аънавий тарзда ўтказиладиган «Ташаббус — 2011» танловида иштирок этиб, туман ва вилоятда биринчи ўринга сазовор бўлдик.

Шу кунларда фермер хўжалигида сутни қайта ишлаш цехи қурилмоқда. Узғи билан келаси йил бошидан уни ишга тушириш режалаштирилган. Бу тайёр маҳсулот сотиш имкониятини яратди.

2009 йилда 65 миллион сўм соф фойда билан чиққан фермер хўжалиги ўтган йили 378 миллион сўм даромад эга бўлди. Соф фойда эса 75 миллион сўмни ташкил этди. Бу йил ҳам камиди 80 миллион сўм фойда билан чиқиш мўлжалланган.

— Даромадимиз ҳисобига ўтган йили «Lasetti» машинаси сотиб олдик. Уч ўғлим билан кеча-ю кундуз тиним билмай ишлаймиз. Бир ишни бошладикми, охирига етказмасдан қўймаймиз. Шунинг учун бўлса керак, топган-тутганимизда барака бор, — дейди Дилшод ака.

Хўжалик ҳудудиди 700-800 бош қўйга мўлжалланган қўйхона, 100 га яқин қорамолни сиғдира оладиган қиши ва ёзги молхона бор. Фермер 1,25 гектар майдонда боғ яратишни ўйляпти.

— Мустақиллик туфайли ўз мулкимизга эга бўлдик, — дейди фермер. — Хўжалиқда ер ҳайдашдан тортиб, ҳосил етиштирилгунча қандай техника зарур бўлса, барчаси — галла ўриш комбайнидан тортиб 4-5 та юк машинасигача бор. Ҳозирдан ортиб ён-атрофимиздаги фермерларга ҳам ёрдам бераёلمиз. Аввало, Президентимизга раҳмат. Бизга шунчалик кенг имконият яратиб берди.

«Дилшод Ибой» спорт мажмуаси

Дилшод Абдуллаев ёшлигида эркин кураш билан шуғулланган. Улғайиб, тул топсам, спорт зали кураман, деган орзуи ўша пайтларда туғилган. Фермер хўжалиги даромадидан 475 миллион сўм сарфлаб, ўз қишлоғида замонавий спорт мажмуасини фойдаланишга топширди.

Шу йил январда ишга тушган «Дилшод Ибой» мажмуаси ёшларнинг сеvimли масканига айланган. Асосан бу ерда «Истиклол», «Чунқам» ва «Обжуваз» маҳаллалари ёшлари шуғулланишмоқда. Мажмуада катта зал, кураш ва теннис заллари мавжуд. Яратилган шароит замон талабига тўла мос келди. Қувонарлиси, бу ерда шуғулланувчи ёшлар яқинда ташкил этилган мактаблар аро туман мусобақасида биринчи ўринни қўлга киритишди.

Дарвоқе, ушбу мажмуа мусобақалар марказига ҳам ай-

ланиб бораётир. Бу ерда баҳорда кураш ва волейбол бўйича мусобақа ўтказилди. Унда вилоятнинг туман ва шаҳарлари ҳамда Тошкент шаҳридан 200 нафардан ортиқ спортчи иштирок этди. Кескин ва муросасиз курашларга бой ўтган беллашуларда спорт мажмуаси жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди.

— Яқинда телевиденидан мен ҳақимда кўрсатув тайёрламоқчи бўлиб келган муҳбир: «Спорт зали очиб савоб иш қилибсиз. Лекин нима учун текинга хизмат кўрсатаёсиз», деб савол берди, — дейди Д.Абдуллаев. — Мен унга: «Дўконга кирсангиз, пулингизга бирор нарса харид қилиб, индамасдан чиқиб кетасиз. Бироқ бу ерга келадиганлардан мен ҳар кун «рахмат» эшитаман. Менга шунинг ўзи қифоя», дедим. Бу ишни пул топшиш ниятида қилганим йўқ. Керакли фойдани хўжалигим орқасидан ҳам топяпман.

Д.Абдуллаевнинг бундай эзгу ишга бош бўлишининг ўзига хос сабаби бор. Ёшлигида турли мусобақаларда шохсупанинг юқори поғонасини банд этган Дилшод беллашулардан бирида қўли синиб, шу-шу кураш тушиш армонга айланади. Мажмуада шуғулланётган ёшлар парвозида орзу-орзу рўёбга чиқишни истайди. «Худо хохласа, ёшлар орасидан келажакда чемпионлар етишиб, турли халқро мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишига ишонаман», дейди у.

Саховатпеша фермер ташаббуси билан мажмуа атрофидаги ер текисланди, стадион қуриляпти. Унга керакли жиҳозлар олиб келинган. Дарвоқе, маҳалладаги кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ҳамда кўмакка муҳтож қарияларга турли ҳоимийлик ёрдамини кўрсатиш унинг эзгу амалларидан биридир.

Топганини кўпчилиги билан баҳам қўриб, эл ўртасида обрў-эътибор қозонган, «нимага эришган бўлсам, бу маҳалладошларимнинг ҳам ютуғи», дея фахрлиниб гапирадиган Д.Абдуллаев ҳаёт йўлида фақат эзгулик яратишга интиляди. Ҳа, улуғ амаллар пок ниятлардан туғилади.

Дарвоқе, ушбу мажмуа мусобақалар марказига ҳам ай-

Назрулла МАҲАМОВ, «Ishonch» мухбири

«Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловига

Сўхбатдош ҳақида: Собиржон Каримов Шеробод туманида туғилган. Маълумоти олий. 1986 йили ТошДУнинг ҳуқуқшунослик факултетини тугатган. Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси, Термиз туман суди, вилоят ва Денов шаҳар прокуратурасида фаолият кўрсатган. 2006 йилдан бери Сурхондарё вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашида ишлаб келмоқда.

Ҳар бир мурожаат эътиборимизда

— дейди Сурхондарё вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши юридик бўлими мудири Собиржон Каримов

— Касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши вилоят ҳокимлиги ва Савдо саноат палатаси билан ҳамкорликдаги келишуви ҳамда 2992 та бошланғич ташкилотда иш берувчи билан тузилган жамоа шартномалари орқали 500 минг нафар касабаси уюшма аъзоларининг ҳуқуқий манфаатлари ҳимояга олинган. Касабаси уюшмалари негизий ҳисобланган бошланғич ташкилотларда бу масала қандай йўлга қўйилган?

— Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг V Курултойи зиммамизга катта ва масъулиятли вазифани қўйди. Касабаси уюшма аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳамда интеллектуал манфаатларини ҳимоялаш борасида бирлашма кенгашимиз аниқ режаларни белгилаб олди. Шу асосда фаолиятимизни давом эттираётимиз. Адолат мезони хайрли ишларимизда дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда. Қолаверса, етакчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш учун бор имкониятларимизни ишга солаёلمиз.

Мехнат низолари ва зиддиятлар келиб чиққан ҳолатларда ишчи-ходимлар биздан наҳот истаб келишади. Ҳар бир мурожаатни қонун доирасида қўриб чиқиш, адолат мезонининг қарор топшишига эришялми. Аксарият ҳолатларда меҳнат шартномасининг ноқонуний бекор қилиниши, меҳнатга ҳақ тўлаш, нафақа тайинлашда иш берувчининг меҳнат қонунчилигига риоя этмаётгани ҳақида мурожаат қилинади. Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида, бошланғич ташкилотларда аъзоларимиз ҳуқуқий саводхонлигини ошириш учун «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун ҳамда Меҳнат Кодексининг моҳияти ҳақида ўқув-семинарлар ташкил этилди. Жумладан, бўлим иш режасига мувофиқ, Автомобил, дарё, электр транспорти ва йўл хўжалиги, таълим, соғлиқни сақлаш тизимларидаги ташкилот ва муассасаларда олиб борилаётган ишлар ибратлидир. Ҳақ-ҳуқуқи бузилган ёки бирор ҳуқуқий маслаҳатга эҳтиёжидан аъзоларимиз учун бирлашма кенгаши қошида уч йилдан буюн «Юридик маслаҳатхона» фаолият юритиб келяпти. «Ҳуқуқий маслаҳат» телефони ходимларнинг ишончли хамкорига айланган.

— Ҳақ-ҳуқуқи поймол этилган одам борки, амалий ёрдам қутади...

— Дарҳақиқат, шикоят бекорга ёзилмайди. Шу боис ҳар бир шикоят алоҳида назоратга олинди, иш ижобий ҳал этилмагунча диққат-эътиборимизда бўлади. Уларнинг биронтасига беварқарамаймиз. Шу ўринда бир мисол: Деновдаги «Хайробоод пахта» очик турдаги хиссадорлик жамияти раиси ўринбосари Орифжон Қўзимуродовнинг «Сурхондарё пахта» худудий акциядорлик жамияти раҳбарлиги ҳамда аттестация комиссияси ноқонуний ишдан бўшатган. О.Қўзимуродов бу ҳақида бирлашма кенгаши раисига мурожаат қилган, асло ҳолатни атрофлича ўрганди. Сўнгра, бирлашма кенгаши томонидан, фуқаролик ишлари бўйича Термиз туманлараро судига аттестация баённомаси ва қарорининг О.Қўзимуродовга тегишли қисмини ҳамда ишдан ишга ўтказиш ҳақидаги буйруғини бекор қилиш, уни аввалги ишга тиклаш, иш ҳақини ундириб бериш ҳақида даъво ариза-си киритдик. Одил суд томонидан мурожаатимиз тўлиқ қаноатлантирилди. Ҳа, ушбу ҳақи ундириб берилди.

Ангор туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига қарашли 28-умумтаълим ўрта мактаби ҳисобини Барно Пардаева фарзанди 2 ёшга тўлгунча қадар таътилга чиққан. Таътил муддати тугаган, ўз ишига қайтиб келганда, унга ишдан бўшатилгани, ҳозирча иш йўлиги рўқач қилинганлиги ҳақидаги мурожаати атрофлича ўрганилди. Ўзбекистон Республикаси «Касабаси уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг қаролатлари тўғрисида»ги Қонунининг 14-моддаси талабларига қўра ишга тиклаш ҳақида тақдимнома киритилди. Унга асосан Б.Пардаева ўз вазифасига тикланди. Шунингдек, Термиз иқтисодиёт коллежи директорининг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари А.Жўраев, Жарқўрган туманидаги 28-умумтаълим ўрта мактабининг ўқув ишлари бўйича директори ўринбосари С.Эргашева, Бойсун туманидаги 12-умумтаълим ўрта мактаби директори Б.Хўшмуродов, Денов туман «Қишлоқхўжалиқим» филиалида 12 йил ҳуқуқшунос бўлиб ишлаган С.Шаймерданов, Термиз шаҳридан И.Маллаев, З.Ҳақимовлар ҳам раҳбар таъинқига учраб, эгаллаб турган вазифаларидан асоссиз равишда бўшатирилган. Касабаси уюшмасининг аралашуви билан уларнинг барчаси ўз вазифасига қайтди. Бундай мисолларни қўлаб келтириш мумкин.

— Айтинг-чи, меҳнатига яраша иш ҳақи ололмаётган ходимлардан ҳам мурожаатлар бўладими?

— Маълумки, ҳар бир ходим моддий манфаатдорлик бўлган жойдагина самарали фаолият юритади. Ишловчи меҳнатига яраша ҳақ олмаси вақтида тўланмаси албатта шикоят қилади-да. Мисол учун, Халқаро ва давлат аҳамиятидаги умум-фойдаланишдаги автомобил йўларини сақлашга ихтисослаштирилган Жанубий йўллардан фойдаланиш давлат корхонаси «Сурхон» махсус йўл бўлими ходимлари Д.Рамаева, З.Зоирова, Р.Жумаева ва Ҳ.Абраевлар иш ҳақи, моддий ёрдам ва оват пуларини ололмади сарсон бўлиб юрганда, касабаси уюшмасининг аралашуви билан уларнинг пуллари тўлиқ ундириб берилди. Шунингдек, ушбу корхонанинг 226 нафар ходими оилаб иш ҳақларини ололмади юрган ҳолати аниқланди. Ўтказган суриштирувимида корхонада иш ҳақи тўланишида Меҳнат Кодексининг 154,161-моддалари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қўлаб равишда бузилганлиги аниқланди. Ўзбекистон Республикасининг «Касабаси уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг қаролатлари тўғрисида»ги Қонунининг 11-, 14-моддаларига асосан қонунда белгиланган 10 кунлик муддатда қўриб чиқиш учун Халқаро ва давлат аҳамиятидаги умум-фойдаланишдаги автомобил йўларини сақлашга ихтисослаштирилган Жанубий йўллардан фойдаланиш давлат корхонаси директори Н.Йўлдошевга тақдимнома киритиб, иш ҳақидан қарздорликни бартараф этдик. Бундан ташқари, «Ўзамхўстрас» Давлат унитар корхонаси ишчилари С.Умиров ва бошқаларнинг йил давомида иш ҳақларини ололмади юрганлиги ҳақидаги аризалари ўрганилганда, амалдаги қонун мейёрлари бузилганлиги аниқланди. Автокорхона маъмурияти айби билан 130 нафар ходимга тўланмай келинаётган 6397,8 минг сўмлик иш ҳақи ундириб берилди. Бундай мисолларни яна истаганча давом эттириш мумкин. Мухими, касабаси уюшмалари кўмаги билан ходимлар манфаати қонун доирасида муносиб ҳимоя этилмоқда.

«Ishonch» мухбири Рустам ДАВЛАТОВ сўхбатлашди

Қарор ва ижро

Президентимизнинг «Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори соҳани ривожлантиришда янада кенг имконият яратди.

Имтиёз

Жумладан, янги ташкил этилаётган тадбиркорлик субъектларига рўйхатдан ўтиш учун давлат божи энг кам иш ҳақи микдорининг беш баробаридан бир баробарига камайтирилди. Кичик корхоналар фаолияти турининг ўттизига яқин тармоқларида ўртача йиллик ишчилар сони 50 кишидан 100 кишига қўлайтирилди. Бу 100 кишигача ходим ишлаётган корхона кичик корхона сифатида имтиёзлар ва мақомини сақлаб қолишини аниқлади.

Ушбу қарорнинг мазмун-моҳиятини тадбиркорларга тушунтириб бориш мақсадида жорий йилнинг ўтган даврида Бектемир туман Давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан 8 та семинар ўтказилди. Солиқ қонунчилиги қондаларининг бир хилда талқин этилиши ва қўлланилишини таъминлаш, тадбиркорлардан тушган саволларга жавоб қайтариш, жавобларни бошқарманинг электрон тармоқлари ва интернет сайтларига жойлаштириш, таркибий тузилмаларнинг мазкур йўналишдаги фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида ишчи гуруҳи ташкил этилган. Гуруҳ аъзолари томонидан ҳар ҳафта «Тадбиркорлар кўни», «Очиқ эшиклар кўни» тадбирлари ўтказилляпти. Ўтган даврда 9 нафар юридик ҳамда жисмоний шахслардан тушган саволлар юзасидан амалий ёрдам кўрсатилди.

Ш.ДАДАБАЕВ, Бектемир туман ДСИ бўлими бошлиғи

Қўли гулдир ўзбек аёлини

Маҳорат синови

Хотин-қизларни ижтимоий муҳофаза қилиш, ёшлар ўртасида кичик бизнес ва тадбиркорликни тарғиб этиш, ўз ҳунарини ёш авлодга ўргатиш йўлида фаолият кўрсатаётган усталар меҳнатига эътиборни кучайтириш мақсадида Бухоро шаҳрининг Қўқалдош мадрасасида вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши, «Тадбиркор аёл» уюшмаси, Савдо-саноат палатаси худудий бошқармаси ва Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси ҳамкорлигида «Қўли гулдир ўзбек аёлини» кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди.

Нуфузли хайрат аъзолари миллий-маънавий қадриятларни тиклаш, ўрганиш жараёнида аёлларнинг каштадўзлик, дўппидўзлик, зардўзлик, патдўзлик, қуроқчилик, қулоччилик, чопондўзлик ва кўрпадўзлик ҳунарини нечоғли эгаллаганлигини баҳолади.

Манзура Жўраева, Шаҳодат Норпўлатова, Замира Жўраева, Шаҳноза Асадова, Феруза Очилова, Мақсуда Турсунқуллова, Хилола Юлдашева, Мадина Холбоева турли номинациялар бўйича ғолиб чиқишди.

Ғолибларга эсдалик совғалари, фахрий ёрлиқлар топширилди. И.ҲОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири



Замондошларимиз

Одамлар «рахмат» деса бўлди

Истиклол туфайли кўпларнинг қалби қаърида кул босиб ётган чўғ аланга олди. Жумладан, Замиранинг ҳам... Отаси Нормўмин ака бир умр савдо соҳасида ишлаган эмасми, ҳисоб-китобдан анча-мунча хабардор эди. Шунинг учун бўлса керак, унда дўкон очиб фикри туғилди. Бу ҳақида қўшувчи опаси Олтинойга маслаҳат солган-ди, у:

— «Қамолот» ёшлар ҳаракатининг туман кенгашида бинойдек ишлаб турибсан, савдога ўтиб кетсанг, ишинг нима бўлади? — деган мулоҳазага борди.

— Одам қилган ишни одам қилади, қолаверса, кўёнингиз ҳам бир четда қараб турмас, — деди Замира.

Турмуш ўртоғи Рўзибой унинг гапларини эшитиб, ўйланиб қолди.

— Дадаси, — деди Замира, — бир эмас, уч фарзандимиз бор, ҳозирдан уларнинг келажagini ўйламасак бўлмайди. Моддий замин яхсдан қанча кунда бола-ларга асқотди. Бундан ташқари, ўзларини ҳам бу ишларга жалб қиламиз, ана шунда улар яхши яшашига ўрганишади, бунинг учун эса меҳ-

нат қилиш лозимлигини аниқлаб етдилар ва ўз навбатида бўлажак ўғил-қизларига ҳам бу хислатни сингдирадilar.

Рафикасининг фикрлари Рўзибойни суянтириб юборди.

— Онаси ишни бошлайвер, сени ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлайман, — деди.


Шундан сўнг Замира елиб-югуриб, дўкон очди. 2002 йилда яқка тадбиркор сифатида фаолият бошлаган бўлса, 2009 йилга келиб, дўконлари сони кўпайди ва у «Сардор — Адхам» хусусий

корхонасига асос солди.

— Тадбиркорликка қўл юрган одам асти кам бўлмас экан, — дейди Замира Нормўминова. — Моддий жиҳатдан қадимизни ростиладик, турмушимиз фаровон, рўзгоримиз бадастир. Шу кунларда фаолиятимизни янада кенгайтириш мақсадида «Агробанк»нинг Қамаш туман филиалидан 20 млн. сўм микдориди кредит олдик. Шинангима бир жойда «Машиий хизмат уйи» ташкил этиш ниятидамиз. Насиб бўлса, унда аҳолини мамнун этадиган барча қулайликлар бўлади.

Азиза АХМАДЕВА, журналист

Лавҳа



# Оҳанг ва ижро сехри

**(Давоми. Боши 1-бетда)**  
Албатта, санъатга бўлган бундай эътибор ўз самарасини бермоқда. Кечагина «Нихол» мукофотига сазовор бўлган истеъдодли ёшларимиз Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвонига лойиқ топилмоқда. Шу маънода биз ҳам бошлангич ташкилотларимиз орқали меҳнаткашларга ҳар томонлама шароит яратишга алоҳида аҳамият бераяпмиз. Бугунги тадбирдан кўзланган мақсад ҳам меҳнаткашларимиз орасидаги истеъдод соҳибларини юзага чиқаришдан иборат.

Таъкидлаш жоиз, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаати ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқини ҳимоялаш билан бирга, ходимлар ва уларнинг оила аъзолари маънавиятини юксалтириш, маданий-маърифий тадбирларга жалб этиш борасида тизимли ишлар йўлга қўйилди.

Бунда бошлангич касба уюшма кўмиталари фаолиятини кучайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, қатор услубий, меъриий ҳужжат ва таъсиялар ишлаб чиқилди. Айниқса, қорхона, ташкилот ва муассасалардаги бошлангич ташкилотларга услубий-амалий ёрдам кўрсатиш тизимининг яратилиши, улар учун маданий-оммавий тадбирлар ўтказиш тўғрисида Низом ишлаб чиқилиши бу бордаги ишлар сифати ва самарадорлигини ошириш имкониятини яратди. Касба уюшмалари томонидан меҳнат жамоаларида маданий-маърифий тадбирларни ташкил этишдан мақсад, аввало, бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар натижасида меҳнаткашларнинг халқ ижодиёти ва санъат соҳасидаги салоҳиятини юзага чиқариш, қобилиятини намойиш этиш борасида яратилаётган имкониятдан фойдаланган ҳолда улар орасида истеъдодларни кашф этишдир.

Шу маънода «Ўзбекистон, сени куйлайман» санъат фестивали ҳам касба уюшмалари тизимидagi тақомиллашув жараёнига ҳамроҳ равишда янги маъмурият ва шакли шаймолли асосида ташкил этилди. Энг муҳими, ушбу тадбир «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан»

гоясини мужассам этган ҳолда республикамизнинг ҳар бир ҳудудида, аввало, қорхона, ташкилот ва муассасалар, сўнгра туман, шаҳар ва вилоят миқёсида ўтказилиб, барча соҳа ходимлари қамраб олинди.

— Шундай нуфузли фестивалнинг республика босқичида иштирок этаётганидан хурсандман. «Муқаддас ватан» номи қўшигим билан қатнашдим, — дейди Қорақалпоғистон Республикасида иштирок этаётган Гавҳар Қалибекова. — Бу ерда турли вилоятлардан келган ҳаваскор санъаткорлар билан танишиш, ўзаро тажриба алмашиш имконияти туғилди. Аҳамиятли томони, ҳар бир воҳадан иштирок этаётган вакиллар ўз ҳудудидаги аъёнлардан келиб чиқиб куй ва қўшиқлар ижро этишмоқда. Бу нафақат фестивалнинг рангбаранг бўлишини таъминлайди, уни мазмунан бойитади.

Бу йилги санъат фестивалининг ҳар бир босқичи ўзига хос катта тайёргарлик билан ташкил этилди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри касба уюшма ташкилотлари томонидан ташкил этилган уч босқичли фестивалда санъатга ошурфта бўлган ҳар бир меҳнаткашнинг иштирок эта олиши учун барча имконият яратилди. Унда 20 минг нафардан зиёд меҳнаткаш қобилият ва иқтидорини синаб кўрди. Улар санъатнинг маком, аънавий ижрочилик, эстрада, яққа рақс, жамоавий рақс, яққа чолғу ва ансамбл ижрочилиги йўналишларида иштирок этишди. Айниқса, Бухоро, Наманган, Тошкент, Фарғона, Хоразм, Қашқадарь, Навоий вилоятлари ва Тошкент шаҳрида ташкил этилган кўрик-танлов ҳақиқий санъат байрамига айланган кетди. Ишчи-хизматчиларнинг фаол иштироки анжуман нуфузини янада ошириб, оммавийлигини таъминлади.

— Биз жамоамиз билан бугунги фестивалга водий оҳанглари олиб киришга ҳаракат қилдик. Халқимиз азалдан санъатга кучли меҳр қўйиб, унинг сир-синоатини чуқур ўзлаштирган. Бунга куй ва қўшиқларимиздаги жозибadorликда, рақслардаги такрорланмас нозик ҳаракатлардан ҳам ҳис этса бўлади, — дейди фарғоналик иштирокчи Валишер Азизов. — Бошқа вилоят-

лардан ташриф буюрган ҳаваскор санъаткорларнинг чиқишини кузатдик. Шунга амин бўлдимки, уларнинг ижро маҳорати профессионал санъаткорларникидан асло қолишмайди. Шу боис бундай фестиваллар янада кўпроқ ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Санъат фестивалининг республика босқичига чиққан 158 нафар иштирокчи танлов асосида саралаб олинган энг яхши ижрочи ва бадий ҳаваскорлик жамоаларидир. Улар томонидан 52 та бадий ҳаваскорлик чиқиши намойиш этилди. Ҳеч бир чиқиш томошабинни бефарқ қолдирмади. Қадим ушқоқдан тортиб ажиб рақслар, Хоразм лагзисидан Андижон полкасининг мукамал ижроси барчага манзур бўлиб, кўнглидан жой олгани шубҳасиз. Бинобарин, қанчадан-қанча изланиш ва машаққатлар эвазига эришилган маҳорат, инсон кечинмаларининг тараннуми ҳеч қачон эътибордан четда қолмаган.

— Бу йил фестивалга алоҳида тайёргарлик кўрилди, — дейди Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими етакчи мутахассиси, фестивал ташкили қўмитасининг масъул котиби Эътиборхон Раҳмонова. — Ижро этилаётган қўшиқлар матнининг бадий мукамаллиги ва таъсирчанлиги, қўйларнинг миллилиги ва ўзига хослиги, энг муҳими, она-Ватанга садоқат, келажакка ишонч гоаялари нечоғли таъсирчан ифода этилганига жиддий эътибор қаратилди.

Хуллас, фестивал меҳнаткашлар, айниқса, ёшлар оғида истиқлол гоаяларига садоқат, эл-юртга муҳаббат туйғуларини кўрайтириш, ёт тилларга қарши иммунитетини ошириш ва бўш вақтини тўғри ташкил этиш орқали уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишида беҳиёс аҳамият касб этади.

Санъат фестивали иштирокчилари маком, аънавий ижрочилик (қўшиқ, катта қўшиқ), эстрада қўшиқчилиги, яққа чолғу ва ансамбл ижрочилиги ҳақида яққа ва жамоа рақслари ижрочилиги йўналишлари бўйича ташкилотчилар томонидан тақдирланди.

**Акмал ТШОВЕВ, «Ishonch» мухбири. Иқром ҲАСАНОВ олган суратлар**

# Ходимлар беллашганда

Ходимлар ва уларнинг фарзандлари саломатлигини мустаҳкамлаш, спортни аҳоли орасида кенг тарғиб этиш ҳамда қобилиятли спортчиларни камол топтириш мақсадида Тошкент шаҳар касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ва Тошкент шаҳар маданият ва спорт ишлари бош бoшқармаси, шунингдек, Болалар спортини ривожлантириш жағмараси Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишлаб ташкил этилган аънавий «Саломатлик» спартакиадаси қизгин беллашувларга бой тарзда кечди.

140 нафардан ортиқ ходим ва уларнинг фарзандлари 10 жамоа таркибида волейбол (аёллар), стол тенниси (аёллар ва эркеклар), тош кўтариш, армрестлинг (эркаклар) ҳамда оилавий мусобақаларда иштирок этишди.

Билак кучи синовдан ўтадиган армрестлинг ва тош кўтариш беллашувлари катта қизиқиш уйғотди. Барча рақибларини мағлубиятга учратган Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси вакили Равшан Қўзиев армрестлингда 1-ўринни қўлга киритган бўлса, унинг жамоадоши Нуриддин Иброҳимов тош кўтаришда тенгсиз эканини исботлади.

Эпчиллик ва тезкорлик талаб этиладиган стол теннисида Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси иштирокчиси Александр Сухарков ва Транспорт, йўл ҳўжалиги ва қурилиш соҳаси ходимлари касба уюшмаси спортчиси Галина Буканова шохсупанинг энг юқорисидан жой олди.

Оилавий мусобақаларда бошқалардан кўра му-




вафқиятли қатнашган Чикаловлар оиласи (Таълим, фан ва маданият ходимлари) голиб чиқди. Спартакиаданинг энг қизгин ва мурасисиз баҳслари волейболда кузатилди. Барча жамоа вакиллари фақат голиб бўлиш учун майдонга чиққанларини намойиш этишди. Финалда Таълим, фан ва маданият ходимлари билан Ёқилги-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари жамоалари рўбарў келишди. Ва дастлаб тилга олганимиз жамоа галаба нашидасини сурди.

Голиб ва совриндорлар, шунингдек, турли номинацияларга сазовор бўлган ходимларга ташкилотчиларнинг эсдалик совға ва дипломлари топширилди.

Голиблар «Саломатлик» спартакиадасининг республика босқичида қатнашди.

**Адҳам АРСЛОНОВ, «Ishonch» мухбири. Иқром ҲАСАНОВ олган суратлар**



Фарғона вилоятидан кўпгина машҳур велоспорт усталари етишиб чиққан. Кейинги йилларда бу спорт турини ривожлантириш бўйича вилоят касба уюшма ташкилотлари томонидан кенг кўламли ишлар олиб бoрилаётир. Жорий йил ўрталарида вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси, маданият ва спорт ишлари бoшқармаси, Болалар спортини ривожлантириш жағмараси бўлими ҳамкорликда «Вилоятда велоспорт турини ривожлантириш ҳамда унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича 2011-2012 йилларга мўлжалланган қўшимча тадбирлар тўғрисида» қўшма қарор қабул қилди.



# Фарғонада велоспорт ривожланмоқда

Шу йил май ойи бошларида Ўзбекистон велоспорт Федерацияси Фарғона вилоят бўлими ташкил этилди. Вилоят олимпия захиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактабидаги велоспорт бўлимасига қўшимча штат ажратилиб, базаси мустаҳкамланди. Вилоятдаги мавжуд велоспорт базаларининг моддий-техник ҳолати текшириб чиқилиб, спорт жихозлари билан таъминлашда тегишли ёрдам кўрсатилди. Велоспортни ривожлантиришга қорхона ва ташкилотлар, хусусий тадбиркорлар, кичик бизнес вакиллари ҳомийлик ёрдами кўрсатмоқда.

Май ойида касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ташаббуси билан Фарғона шахрида велоспортчи ёшлар ўртасида велопоига ўтказилди. Хотира ва қадрлаш кўни муносабати билан эса касба уюшмалари фахрийлари орасида «Фарғона-Қўқон-Фарғона» йўналиши бўйича ташкил этилган веломарафон катта мувафқият билан якунланди.

Яқинда бирлашма кенгаши ташаббуси билан вилоятдаги жимсоний тарбия ва спорт хамиятига қарашли велоспорт бўлимасининг 6 нафар истеъдодли ўқувчисига янги спорт велосипедлари тақдим этилди.

— Велоспорт билан анчадан бўён шуғулланаман, — дейди Қўштепа тумани Қоражида қишлоғидаги мактаб ўқувчиси Муҳаммадмирзо Исоқов. —

Аммо шахсий поига велосипедим бўлмагани учун мусобақаларга тайёргарлик кўришда бироз қийналардим. Энди эса янги велосипедда мусобақаларга пухта тайёргарлик кўраман.

— Қизлар орасида ҳам велоспортга қизиқиш кучли, — дейди Фарғона шахрилик мактаб ўқувчиси Гулҳаё Халилова. — Менга топширилган спорт велосипеди ёрдамда аёллар ўртасида ўтадиган мамлакат ва халқро микёсдаги мусобақаларда қатнашиб, голиб бўлишга ҳаракат қиламан.

**А. ИБОДИНОВ, «Ishonch» мухбири. Суратда: ёш велопоигачиларга спорт велосипедлари топширилди. Т. КАРИМОВ олган сурат**

## Маданият хабари

Андижон шаҳридаги Бобур жамоат фонди бoиносида «Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг «Тарихий Рашидий» асарининг жаҳон маданияти тарихидаги ўрни» мавзусида халқаро илмий анжуман иш бошлади.

## Халқаро илмий анжуман

Муҳаммад Ҳайдар Мирзо 1499 йил Тошкент шаҳрида таваллуд топиб, Андижонда давлат арбоби даражасига етган. Саудия давлатининг 24 йиллик вазири ва ҳарбий кўмондони бўлган. Қашмир ўлкасини икки марта фатҳ этиб, 11 йил подшоҳлик ҳам қилган. Шох, адиб ва муаррифдир. Унинг «Тарихий Рашидий», ўзбек тилида ёзилган «Маҳмуднома» ва «Жаҳоннома» дostonлари мавжуд.

Анжуманда «Тарихий Рашидий» асарининг илмий матнини яратган ва инглиз тилига таржима қилган («Бобурнома» ва «Жумоюннома»ни ҳам инглиз тилига ўғирган) Гарвард университетининг профессори Вилер Текстон, япон олимий Ёйдин Мано, хиндистонлик профессор Мансура Ҳайдар, қозоқ профессори Исом Жеманиян ва бошқа йирик олимлар иштирок этмоқда.

**Ўз мухбиримиз**

# Кўли кадоқ, қалби кайноқ кўшиқчи

Тингланг, миришкорлик хонанда куйламоқда:  
**Кўлга олиб кувноқ торимни, Мен куйлайман хур дибримни...**  
Тунни тун, кунни кун демая машқ, изланиш, тинимсиз меҳнат натижасидагина яхши кўшиқ яралади ва у халқ юрагига етиб боради. Бундай хонандани халқнинг ўзи топади, унга интилади, уни тинглайди.

Самимийлиги билан эл ўртасида хурмат-эҳтиром топган, бугунги кунда барча миришкорликлар ифтихор ила «Бизнинг Очил Тўра» дейдиган бу кўшиқчининг очилмаган қирралари кўп. Тингланг, «Ўзимизнинг ҳофиз» куйламоқда:  
**Олис-олислардан эшитилган куй, Вужудим элтиб, соҳрлаб кўйдим...**  
Очил Тўра кўшиқчилик «дардини йўрғақда юқтирган. Бўлмаса, бирор устоз кўрмасдан шунчалар элнинг юрагидан жой олариди? Меҳнат фаолиятини 1976 йили

механизаторликдан бошлаган, то хануз шу касбада ишлаб келаётган Очил Тўра билан миришкорликлар фахрланишди.

Қадимдан қолган таомил шу: кўшиқчи самимий, камтар, элпарвар бўлсагина эл уни севиб «ўзиники» қилади. Кўшиқчи эса камол топади.

Очил Тўра кўшиқни териб-териб, танлаб айтади. Элга ёқадиганини ахтаради. Мени мен истаган ўз сўхбатига аржуманд этмас, Мени истар кишининг сўхбатини кўнгулм писанд этмас...

Навоий, Оғаҳий, Фузулий, Машраб ва Махтумқули каби классик шоирларимиз газаллари билан айтиладиган кўшиқларни Очил Тўра куйлаганда «сел» бўлмаган тингловчи топилмаса керак. У куйлаётганда ўзгача бир оҳанг, кўшиқ мат-

нидаги теран маъно руҳиятингизга сингиб боради. Зеро, у мумтоз кўшиқларимиз умрбоқийлигини жуда яхши билади.

— Кўшиқчи куйлаётганида халқ уни жон кўлоғи билан эшитётганини, сел бўлиб мавжланаётганини, сенига беларво эмаслигини сезишдан кўра ортиқча мақтов бўлмаса керак, — дейди Очил Тўра. — Кўшиқ айтишини беш яшарлигимдан бошлаганман. Фахриддин Умаровнинг «Тонг отгунча», Таваккал Қодировнинг «Шунчагининг» ашулаларини тинимсиз куйлаб юраддим. Ун беш ёшга тўлганимда отам рубоб олиб бердилар. Рубоб ўрганиш менга қийин бўлмади. Ўша пайтлар кучим «етмаса» ҳам хурматли ҳофизимиз Комилжон Отаниёзовнинг «Отолиқни молдин боқдим саҳарда», деб бошланувчи кўшигига

меҳр қўйдим.

Очил Тўра аккордиончи кўшниси Зикиржон Норчаев, доирачи Бахтиёр Ниёзов ва Зафаржон Бoшқаров билан узoқ йиллардан бoён ҳамкорлик қилиб келмоқда. Айни кунда у «Гўзал» ашула ва рақс ансамблида яккахон ашулачи сифатида ҳам фаолият кўрсатаётир.

Тўрт фарзанднинг отаси, набиралари ҳам бор. Турмуш ўртоғи Ойсарахон Ҳамроева билан тинч-тотув яшаб, эл-юрт қорига яраб келмоқда. Шогирдлари Зафаржон, Таваккал ва Ферузбеклардан умиди катта.

Яна бир кичик шогирди бор. Беш ёшидан санъатга қизиқиб, доимо Очил Тўрани холи-жонига қўймай келади. Ҳозирда у ўн ёшларга яқинлашиб қолди. Бу Авазбекжон. Устоз унга ок йўл тилаб, ўзининг биринчи торини совға қилган. Ажаб эмас, ундан ҳам яхши санъаткор чиқса...

**Алланазар ШОМИРЗАЕВ**



**Insonga naf keltirish**  
oliy baxt  
Muassis:  
**O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi**  
Bosh muharrir:  
**Abduxoliq Abdurazzoqov**  
Tahrir hay'ati:  
Normamat ALLAYOROV,  
Nosirxon AKBAROV,  
Muhammad Ali AHMEDOV,  
Oksana BELAUSOVA,  
Dovud MADYEV  
(Bosh muharrir o'rinbosari),  
Baxtiyor MAHMADALIYEV,  
Sog'indiq NIYETULLAYEV,  
Eson RAJABOV,  
To'lg'in TESHABOYEV,  
Jahongir SHAROFBOYEV  
(Mas'ul kotib),  
Anvar YUNUSOV  
Bo'limlar:  
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63  
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90  
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74  
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79  
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43  
Reklama va e'lonlar 256-87-73  
Viloyatdagi muxbirlar:  
Andijon + 99897 465 05 68;  
Buxoro + 99893 653 50 81;  
Jizzax + 99872 360 00 10;  
Navoiy + 99893 725 46 40;  
Namangan + 99897 491 79 27;  
Samarqand + 99866 708 70 12;  
Surdondaryo + 99897 458 05 07;  
Farg'ona + 99890 232 93 19;  
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;  
Qashqadaryo + 99897 414 30 78  
Manziligimiz:  
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy  
E-mail: ishonch2011@gmail.com  
Nashr ko'rsatkichi:  
133  
Navbatchi muharrir:  
A. Qodirova  
Navbatchi:  
S. Abdurahmonov  
Musahhih:  
S. Shodiyeva  
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H. Abdullilov  
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.  
Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shamba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.  
«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda marba sifatida gazeta nomi ko'rsatib shart. Mualliflar fikri ta'biyiyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.  
Tijorat matallari  
2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuoti va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yatga olingan.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.  
Bosishga topshirish vaqti - 21.00  
Topshirildi - 20.40  
Byuromga T - 911  
13761 nusxada bosildi  
2 3 4 5